

N № 453: 26.10.2022

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фаргона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Ёзёвон тумани Порлоқ МФЙ Ал-Фарғоний, Тошби боғи, Обод турмуш кўчаси ҳудудида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни бажарилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув бўйича

Ёзёвон тумани Порлоқ МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 55 м³ ҳисобланиб, Порлоқ МФЙ “Ал-Фарғоний” ва “Парвоз” кўчасида жойлашган ўзи оқар тик сув олиш қудуғига лойиха асосида 2 дона сув олиш насоси ўрнатиш, 2 дона босимли сув минораси ўрнатиш, электр хаво линиясини тортиш, электр бошқарув (Шит коскад) ўрнатиш, замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатиб UZSUVTAMINOT лаготивини бўйлаб, автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (Попловок) ўрнатиш, лойиха асосида ичимлик суви зарарсизлантириш биноси қуриш, 9.4 км Д-76 мм SDR21 S10 турдаги полиэтилен 6,3 (АТМ) босимли ичимлик суви тармоқларини тортиш ва лойихага мос ускунаси билан жихозлаш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ
Ёзёвон тумани бўлими бошлиғи:

ИЧБ муҳандиси:



М.Т.Комилов

Ш.Фозилов